# Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

| | Млрд. сўм | 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 117491,7 | 108,0 |
| Саноат маҳсулоти | 62225,3 | 107,3 |
| Истеъмол товарлари | 22635,3 | 110,1 |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти | 31821,8 | 106,6 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 28477,0 | 109,9 |
| Қурилиш ишлари | 18880,7 | 118,7 |
| Юк айланмаси, млрд.тн–км | 63,5 | 101,0 |
| Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км | 76,3 | 105,6 |
| Чакана товар айланмаси | 50731,9 | 115,0 |
| Пуллик хизматлар | 19127,6 | 110,4 |
| Хизматлар, жами | 62841,0 | 112,9 |

## Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш

**Дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йилнинг январь–сентябрида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 117491,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 8,0 фоизга тенг бўлди.**

**ЯИМ умумий ҳажмининг 83,0 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 17,0 фоизи – давлат секторига тўғри келди.**

**Январь–сентябрда ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:**

**якунга нисбатан фоиз ҳисобида**




**ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:**

**якунга нисбатан фоиз ҳисобида**




## Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

**Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2015 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва** дещқон ва ащолининг шахсий ёрдамчи хыжаликлари**сиз) 278,5 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 254,6 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 91,4 фоизини ташкил қилди.**

**Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 27,6 фоизи), саноат (17,5 фоизи), қурилиш (9,0 фоизи), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (8,2 фоизи) соҳаларига тўғри келади.**

**2015 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:**

| | Рўйхатга олинганлар | | Фаолият кўрсатаётганлар | |
|---|---|---|---|---|
| | минг бирлик | якунга нисбатан фоизда | минг бирлик | якунга нисбатан фоизда |
| **Жами** | **278,5** | **100,0** | **254,6** | **100,0** |
| шу жумладан: | | | | |
| саноат | 48,7 | 17,5 | 44,6 | 17,5 |
| қурилиш | 25,1 | 9,0 | 22,5 | 8,8 |
| қишлоқ ва ўрмон хўжалиги | 22,8 | 8,2 | 20,2 | 7,9 |

| | Рўйхатга олинганлар | | Фаолият кўрсатаётганлар | |
|---|---|---|---|---|
| | минг бирлик | якунга нисбатан фоизда | минг бирлик | якунга нисбатан фоизда |
| транспорт ва алоқа | 11,6 | 4,2 | 10,6 | 4,2 |
| ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари | 23,6 | 8,5 | 21,4 | 8,4 |
| савдо ва умумий овқатланиш | 76,9 | 27,6 | 68,1 | 26,8 |
| аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари | 4,3 | 1,5 | 3,9 | 1,5 |
| соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот | 11,5 | 4,1 | 11,2 | 4,4 |
| таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш | 21,9 | 7,9 | 21,5 | 8,5 |
| бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари | 32,1 | 11,5 | 30,6 | 12,0 |

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг 85,9 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шундан
31,0 фоизини хусусий корхоналар, 1,8 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 53,1 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 октябрь ҳолатига,

умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида




**2015 йилнинг январь–сентябрида жами 22,2 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 21,4 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 24,8 фоизи), Тошкент (9,9 фоизи), Фарғона (8,3 фоизи) ва Самарқанд (7,9 фоизи) вилоятларига тўғри келади.**

**Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 29,1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 23,6 фоизи саноат ва 11,2 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.**

**Ҳисобот даврида 17,8 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 4,4 мингтаси(жами фаолияти тугатилганларнинг 24,7 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.**

**2015 йилнинг январь–сентябрида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:**

**умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида**




## Кичик тадбиркорлик (бизнес)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар жорий йилнинг январь–сентябрида 21,4 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектларини (фермер ва дещқон ва ащолининг шахсий ёрдамчи хыжаликларидан ташқари) ташкил этиш имконини берди (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,0 фоизга кўпдир).

2015 йилнинг январь–сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

–10111,9 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 77,5 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 7866,8 минг нафари индивидуал сектор, 2245,1 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

–саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 21513,6 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 34,6 фоизи) ёки 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 120,2 фоизни ташкил қилди;

–9538,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 33,5 фоизи) ўзлаштирилди ва 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 13,0 фоизга ўсди;

–12188,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 64,6 фоизи) бажарилди ва 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 12,5 фоизга кўпайди;

–автомобил транспорти юк айланмасининг 7,9 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 82,1 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 7,9 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 89,8 фоизи) кўпайиши таъминланди;

–чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 86,8 фоизи ёки 44045,8 млрд. сўми (ўсиш 15,8 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг, мос равишда 49,3 фоизи ёки 9420,4 млрд. сўми (ўсиш 15,2 фоиз) шакллантирилди;

–2581,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 27,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 4125,4 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 44,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2015 йилнинг январь–сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

| | кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм | кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Саноат | 12188,1 | 66,1 |
| Қишлоқ хўжалиги | 44045,8 | 82,7 |
| Қурилиш | 9420,4 | 89,3 |
| Чакана савдо | 514,4 | 65,7 |
| Пуллик хизматлар | 4739,3 | 92,3 |
| Юк ташиш, млн.тн | 2581,2 | 3,7 |
| Йўловчи ташиш, млн.киши | 4125,4 | 5,4 |
| Экспорт, млн. АҚШ долл. | 12188,1 | 66,1 |
| Импорт, млн. АҚШ долл. | 44045,8 | 82,7 |

**Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 9287,6 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 91,8 фоизини ташкил қилди.**

**Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:**

**умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида**



## Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2015 йилнинг январь–сентябрида 729 та (дастур доирасидаги
ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Ҳисобот даврида Тошкент вилоятида 125 та, Наманган вилоятида 95 та Фарғона вилоятида 76 та, Андижон вилоятида 72 та, Қашқадарё вилоятида 48 та, Жиззах вилоятида 47 та ва Сурхондарё вилоятида 45 та объект хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади ва 401 та объектни ташкил этади.

2015 йилнинг январь–сентябрида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағлари 65,7 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча пул маблағларининг 60,5 фоизи), Тошкент (11,4 фоизи), Фарғона (5,3 фоиз), Наманган (4,5 фоиз) Хоразм (4,1 фоиз) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига (4,2 фоиз) тўғри келади.

## Ташқи иқтисодий алоқалар

2015 йилнинг январь–сентябрида ташқи савдо айланмаси 18868,2 млн. АҚШ долларини, жумладан 9543,0 млн. АҚШ долларини – экспорт операциялари, 9325,2 млн. АҚШ долларини – импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси
217,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2015 йилнинг январь–сентябрида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида республиканинг ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

| | млн. АҚШ доллари | якунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Ташқи савдо айланмаси | 18868,2 | 100,0 |

| | млн. АҚШ доллари | якунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| МДҲ мамлакатлари | 7383,1 | 39,1 |
| бошқа давлатлар | 11485,1 | 60,9 |
| Экспорт | 9543,0 | 100,0 |
| МДҲ мамлакатлари | 4166,0 | 43,7 |
| бошқа давлатлар | 5377,0 | 56,3 |
| Импорт | 9325,2 | 100,0 |
| МДҲ мамлакатлари | 3217,1 | 34,5 |
| бошқа давлатлар | 6108,1 | 65,5 |
| Сальдо | 217,8 | x |
| МДҲ мамлакатлари | 948,9 | x |
| бошқа давлатлар | -731,1 | x |

Январь–сентябрда республика ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

фоизда




**2015 йилнинг январь–сентябрида республика экспорт–импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:**

| | млн. АҚШ доллари | таркиби, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| **Экспорт** | **9543,0** | **100,0** |
| пахта толаси | 359,2 | 3,8 |
| озиқ–овқат маҳсулотлари | 937,8 | 9,8 |
| кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар | 471,9 | 4,9 |
| энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари | 2557,9 | 26,8 |
| қора ва рангли металлар | 615,5 | 6,5 |
| машина ва ускуналар | 128,0 | 1,3 |
| хизматлар | 2382,5 | 25,0 |
| бошқалар | 2090,2 | 21,9 |
| **Импорт** | **9325,2** | **100,0** |

| | млн. АҚШ доллари | таркиби, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| озиқ–овқат маҳсулотлари | 1212,5 | 13,0 |
| кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар | 1602,8 | 17,2 |
| энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари | 568,8 | 6,1 |
| қора ва рангли металлар | 679,3 | 7,3 |
| машина ва ускуналар | 3873,8 | 41,5 |
| хизматлар | 665,3 | 7,1 |
| бошқалар | 722,7 | 7,8 |

## Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

<u>**умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида**</u>




**2015 йилнинг январь–сентябрида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:**

| | млн. АҚШ доллари | Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| **Хитой** | **3784,5** | **20,1** |
| **Россия** | **3267,9** | **17,3** |
| **Қозоғистон** | **2254,0** | **11,9** |
| **Корея Республикаси** | **1254,8** | **6,7** |
| **Туркия** | **908,1** | **4,8** |
| **Германия** | **392,5** | **2,1** |
| **Афғонистон** | **328,8** | **1,7** |
| **Украина** | **278,9** | **1,5** |

| | млн. АҚШ доллари | Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| **Бразилия** | **260,2** | **1,4** |
| **Туркманистон** | **267,3** | **1,4** |
| **Эрон** | **249,8** | **1,3** |
| **Литва** | **234,2** | **1,2** |
| **Ҳиндистон** | **223,9** | **1,2** |
| **Франция** | **224,3** | **1,2** |
| **Япония** | **141,6** | **0,8** |
| **Тожикистон** | **125,3** | **0,7** |
| **Латвия** | **134,1** | **0,7** |
| **АҚШ** | **137,5** | **0,7** |
| **Бангладеш** | **104,1** | **0,6** |
| **Қирғизистон** | **112,5** | **0,6** |
| **Италия** | **117,3** | **0,6** |
| **БАА** | **90,8** | **0,5** |
| **Польша** | **95,6** | **0,5** |
| **Греция** | **85,8** | **0,5** |
| **Грузия** | **72,5** | **0,4** |
| **Беларусь** | **81,7** | **0,4** |
| **Буюк Британия** | **76,9** | **0,4** |
| **Малайзия** | **67,5** | **0,4** |
| **Австрия** | **53,7** | **0,3** |
| **Швейцария** | **62,8** | **0,3** |
| **Бельгия** | **54,6** | **0,3** |
| **Чехия Республикаси** | **61,3** | **0,3** |
| **Нидерландия** | **59,9** | **0,3** |
| **Сингапур** | **45,5** | **0,2** |
| **Исроил** | **35,2** | **0,2** |
| **Словения** | **35,1** | **0,2** |

| | млн. АҚШ доллари | Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида |
| --- | --- | --- |
| Азербайжан | 26,4 | 0,1 |

**2015 йилнинг январь–сентябрида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:**

**Экспорт**

МДҲ




Бошқа давлатлар




**Импорт**

МДҲ




Бошқа давлатлар




- Пахта толаси
- Озиқ– овқат маҳсулотлари
- Кимёвий ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар
- Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари
- Қора ва рангли металлар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

## Саноат

**Реал сектор корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизация**

ва диверсификация қилишни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларнинг амалга оширилиши республика саноатининг барқарор ўсишда давом этишини таъминлади. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 62225,3 млрд. сўмни ёки 2014 йилнинг тегишли даврига нисбатан 107,3 фоизни ташкил этди.

Кичик тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кичик бизнеснинг саноат ишлаб чиқаришидаги улушининг ортишига ўз таъсирини кўрсатди ҳамда 34,6 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 31,1 фоиз) ташкил этди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 2647,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар номенклатураси ва ҳажмини кенгайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ортишига сабаб бўлиб, 2015 йилнинг январь-сентябрида 22635,3 млрд. сўмни ёки 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 110,1 фоизни ташкил қилди, жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари 9946,0 млрд. сўмни ва 120,9 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари эса 12689,3 млрд. сўмни ва 102,9 фоизни ташкил қилди. Истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг жами саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 36,4 фоизга етди.

2015 йилнинг январь-сентябрида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | 2014 й. январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Жами | 62225,3 | 107,3 |
| шу жумладан: | | |
| электроэнергетика | 4866,8 | 103,9 |
| ёқилғи | 8761,1 | 101,1 |
| қора металлургия | 1489,7 | 110,5 |
| рангли металлургия | 5563,6 | 102,9 |
| кимё ва нефт-кимё | 3496,6 | 105,2 |
| машинасозлик ва металлни қайта ишлаш | 11224,8 | 98,0 |

| | млрд. сўм | 2014 й. январь–сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз | 1049,0 | 115,9 |
| қурилиш материаллари | 3388,1 | 115,9 |
| енгил | 8587,0 | 117,7 |
| озиқ–овқат | 10114,5 | 116,7 |

**Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:**

**умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида**




## Қишлоқ хўжалиги

Жорий йилнинг январь–сентябрида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар умумий ҳажми 31821,8 млрд. сўмни ёки 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 106,6 фоизни ташкил қилди, жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 18464,1 млрд. сўмни (106,5 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 13357,7 млрд. сўмни (106,7 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




Деҳқончилик. Жорий йилнинг январь–сентябрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончиликнинг улуши 58,0 фоизни (2014 йил январь–сентябрида – 58,3 фоиз) ташкил этди.

Ҳисобот даврида 2054,5 минг тонна (2014 йилнинг январь–сентябрь ойларига нисбатан 10,3 фоизга кўп) картошка қазиб олинди, 7421,2 минг тонна (10,6 фоизга кўп) сабзавот, 1331,6 минг тонна (9,6 фоизга кўп) полиз экинлари, 1849,4 минг тонна (8,0 фоизга кўп) мева ва резаворлар ҳамда 1086,6 минг тонна (9,6 фоизга кўп) узум йиғиб олинди.

2015 йил январь–сентябрь ҳолатига асосий турдаги мева ва сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

| | минг тонна | ўсиш суръати, фоизда |
|---|---|---|
| Картошка | 1862,1 | 111,0 |
| Сабзавотлар | 6712,6 | 111,4 |
| Полиз экинлари | 1214,7 | 109,3 |
| Мева ва резаворлар | 1712,1 | 111,5 |
| Узум | 991,6 | 109,3 |

**Чорвачилик.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 42,0 фоизни (2014 йил январь–сентябрида – 41,7 фоиз)ташкил этди.

2015 йил 1 октябрь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 316,4 минг бошга (2,9 фоизга), шу жумладан сигирлар сони 71,2 минг бошга (1,7 фоизга), қўй ва эчкилар сони 892,0 минг бошга (4,9 фоизга), паррандалар сони 2531,2 минг бошга (4,6 фоизга) кўпайди.

2015 йил 1 октябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар сони қуйидагича ифодаланади:

| | минг бош | ўсиш суръати, фоизда |
|---|---|---|
| Йирик шохли қорамол | 11193,8 | 102,9 |
| шу жумладан: | | |
| фермер хўжаликлари | 538,2 | 100,4 |
| деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари | 10533,1 | 103,0 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 122,5 | 107,3 |
| улардан сигирлар | 4213,0 | 101,7 |
| шу жумладан: | | |

| | минг бош | ўсиш суръати, фоизда |
|---|---|---|
| фермер хўжаликлари | 185,8 | 100,1 |
| деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари | 3991,3 | 101,8 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 35,9 | 106,2 |
| Қўй ва эчкилар | 19106,9 | 104,9 |
| шу жумладан: | | |
| фермер хўжаликлари | 1370,4 | 102,7 |
| деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари | 15959,9 | 105,2 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1776,6 | 103,6 |
| Отлар | 215,3 | 102,5 |
| шу жумладан: | | |
| фермер хўжаликлари | 19,7 | 99,1 |
| деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари | 182,8 | 103,1 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 12,8 | 100,1 |
| Паррандалар | 57134,6 | 104,6 |
| шу жумладан: | | |
| фермер хўжаликлари | 6918,4 | 103,7 |
| деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари | 37292,0 | 108,6 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 12924,2 | 95,1 |

Деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,1 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,8 фоизни, шу жумладан сигирлар мос равишда – 94,7 ва 4,4 фоизни,

қўй ва эчкилар – 83,5 ва 7,2 фоизни, отлар – 84,9 ва 9,2 фоизни, паррандалар – 65,3 ва 12,1 фоизни ташкил этди.

2015 йил январь–сентябрида барча тоифадаги хўжаликларда 1477,8 минг тонна (тирик вазнда) гўшт (2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 6,7 фоизга кўп), 6449,7 минг тонна сут (7,0 фоизга кўп),
4091,3 млн. дона тухум (9,1 фоизга кўп), 28,5 минг тонна жун (5,5 фоизга кўп) етиштирилди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2015 йил январь–сентябрида қуйидагича ифодаланади:

| | 2015й. январь–сентябрь | 2014 йил январь–сентябрига нисбатан фоизда |
|---|---|---|
| Гўшт (тирик вазнда), минг тн. | 1477,8 | 106,7 |
| шу жумладан: | | |
| фермер хўжаликлари | 36,3 | 105,1 |
| деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари | 1403,0 | 106,8 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 38,5 | 106,2 |
| Сут, минг тн. | 6449,7 | 107,0 |
| шу жумладан: | | |
| фермер хўжаликлари | 212,7 | 105,8 |
| деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари | 6192,1 | 107,0 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 44,9 | 102,8 |

| | 2015й. январь–сентябрь | 2014 йил январь–сентябрига нисбатан фоизда |
|---|---|---|
| Тухум, млн. дона | 4091,3 | 109,1 |
| шу жумладан: | | |
| фермер хўжаликлари | 379,7 | 108,5 |
| деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари | 2396,1 | 114,6 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1315,5 | 100,5 |
| Жун, тн. | 28549 | 105,5 |
| шу жумладан: | | |
| фермер хўжаликлари | 1991 | 104,0 |
| деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари | 24453 | 105,3 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 2105 | 109,1 |
| Қоракўл тери, минг дона | 947,2 | 96,7 |
| шу жумладан: | | |
| фермер хўжаликлари | 52,3 | 105,0 |
| деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари | 776,7 | 103,2 |

| | 2015й. январь–сентябрь | 2014 йил январь–сентябрига нисбатан фоизда |
|---|---|---|
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 118,2 | 67,0 |

Чорвачилик маҳсулотларини (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришдаги ўсиш барча вилоятлар бўйича асосан деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ва фермер хўжаликлари ҳисобига амалга ошди. Деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларининг улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 94,9 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 96,0 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 58,6 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2015 йилнинг январь–сентябрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 9500,7 млрд. сўмни ёки 2014 йилнинг тегишли даврига нисбатан 103,4 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 29,8 фоизни ташкил этди.

2015 йилнинг 1 октябрь ҳолатига фермер хўжаликларида йирик шохли қорамоллар 538,2 минг бошни, шу жумладан сигирлар 185,8 минг бошни, қўй ва эчкилар 1370,4 минг бошни, отлар 19,7 минг бошни, паррандалар 6918,4 минг бошни ташкил қилди.

2015 йил январь–сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

| | миқдори | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда | ўсиш суръати, фоизда |
|---|---|---|---|
| Картошка, минг тонна | 401,5 | 19,5 | 106,8 |
| Сабзавотлар, минг тонна | 2061,4 | 27,8 | 107,5 |
| Полиз экинлари, минг тонна | 598,5 | 45,0 | 107,4 |
| Мева ва резаворлар, минг тонна | 764,7 | 41,3 | 106,8 |

| | миқдори | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда | ўсиш суръати, фоизда |
|---|---|---|---|
| Узум, минг тонна | 515,4 | 47,4 | 108,8 |
| Гўшт (тирик вазнда) , минг тонна | 36,3 | 2,5 | 105,1 |
| Сут, минг тонна | 212,7 | 3,3 | 105,8 |
| Тухум, млн. дона | 379,7 | 9,3 | 108,5 |
| Жун, тонна | 1991 | 7,0 | 104,0 |
| Қоракўл, минг дона | 52,3 | 5,5 | 105,0 |

## Инвестициялар ва қурилиш

2015 йилнинг январь–сентябрида республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми 11,3 миллиард АҚШ долларини ёки 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 109,0 фоизни ташкил қилди.

2015 йилнинг январь–сентябрида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий миқдори миллий валютада 28477,0 млрд. сўмга тенг бўлди ёки 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 109,9 фоизга ўсди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ЯИМга нисбати 24,2 фоизни ташкил этди.

2015 йилнинг январь–сентябрида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида
келтирилган:

<u>якунга нисбатан фоиз ҳисобида</u>

| | Жами | шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича: | |
|---|---|---|---|
| | | давлат | нодавлат |
| Жами инвестициялар, млрд.сўм | 28477,0 | 5106,0 | 23371,0 |
| шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: | | | |

| | Жами | шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича: | |
|---|---|---|---|
| | | давлат | нодавлат |
| давлат бюджети маблағлари | 5,2 | 24,3 | 1,0 |
| давлат мақсадли фондлари маблағлари | 6,6 | 36,9 | – |
| корхоналар ва аҳоли маблағлари | 52,4 | 21,1 | 59,2 |
| чет эл инвестициялари ва кредитлари | 20,4 | 12,0 | 22,3 |
| банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 10,2 | 1,7 | 12,1 |
| тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари | 4,6 | 0,8 | 5,4 |
| болалар спортини ривожлантриш фонди маблағлари | 0,6 | 3,2 | – |

2015 йилнинг январь–сентябрида иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | умумий ҳажмга нисбатан фоизда |
|---|---|---|
| Жами | 28477,0 | 100,0 |
| Ишлаб чиқариш тармоқлари | 18978,0 | 66,6 |
| саноат | 9738,5 | 34,2 |
| шу жумладан: | | |
| ёқилғи–энергетика | 5985,8 | 21,0 |
| металлургия | 598,6 | 2,1 |
| кимё ва нефт–кимё | 613,1 | 2,2 |
| машинасозлик | 512,1 | 1,8 |

| | млрд. сўм | умумий ҳажмга нисба–тан фоизда |
|---|---|---|
| енгил | 549,9 | 1,9 |
| озиқ–овқат | 659,6 | 2,3 |
| қурилиш материаллари | 218,2 | 0,8 |
| қишлоқ хўжалиги | 1002,2 | 3,5 |
| қурилиш | 2690,3 | 9,4 |
| транспорт ва алоқа | 3613,5 | 12,7 |
| савдо ва овқатланиш | 1412,2 | 5,0 |
| геология ва ер ости бойликларини излаш | 144,5 | 0,5 |
| бошқалар | 376,8 | 1,3 |
| Ноишлаб чиқариш тармоқлари | 9499,0 | 33,4 |
| уй–жой қурилиш | 5750,6 | 20,2 |
| коммунал хўжалик | 1230,7 | 4,3 |
| соғлиқни сақлаш | 608,5 | 2,1 |
| таълим | 746,3 | 2,6 |
| маданият ва санъат | 227,7 | 0,8 |
| бошқалар | 935,2 | 3,4 |

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестицияси ва кредитларини ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда




## Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

**2015 йилнинг январь–сентябрида умумий майдони 9234,9 минг кв.м. (2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 100,2 фоиз) бўлган 67,1 мингта уй ёки 68,7 мингта хонадон, шу жумладан қишлоқ жойларида 6825,6 минг кв.м. (96,8 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.**

**Касалхоналар, поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларини янгидан қуришда ва капитал қайта таъмирлашда 340,1 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишда 55,9 фоизини ташкил қилди.**

**Олий таълим муассасалари, лицейлар ва касб–ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 256,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,7 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 34,4 фоизини ташкил қилади.**

**Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва қайта таъмирлашда 242,1 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестицияларнинг**

2,5 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 32,4 фоизини ташкил қилади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 246,0 млрд. сўм ўзлаштирилиб, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 161,0 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 65,4 фоизи), чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобидан 69,1 млрд. сўм (28,1 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобидан 14,5 млрд. сўм (5,9 фоизи), корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 1,4 млрд. сўм (0,6 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 11,8 млрд. сўм миқдорида аҳоли маблағлари ҳисобидан (100 фоиз) ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2015 йилнинг январь–сентябрида 18880,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2014 йилнинг
январь–сентябрига нисбатан 118,7 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,9 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




Нодавлат мулкчилик шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 17714,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари хажмининг 93,8 фоизини ташкил қилди.

## Транспорт

**Юк ташиш.** 2015 йилнинг январь–сентябрида барча турдаги транспорт томонидан 1136,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 104,3 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 63,5 млрд.тн–км.ни ёки 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 101,0 фоизни ташкил этди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

| | 2015 йил январь–сентябрь | 2014 йил январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Ташилган юк, млн. тн. | 1136,9 | 104,3 |
| темир йўл транспортида | 50,3 | 102,6 |
| автомобил транспортида | 1040,9 | 104,8 |
| ҳаво транспортида, минг тн | 18,0 | 101,5 |
| қувур йўллари орқали | 45,7 | 95,3 |
| Юк айланмаси, млн. тн–км | 63493,8 | 101,0 |
| темир йўл транспортида | 17330,4 | 100,0 |
| автомобил транспортида | 23869,4 | 107,9 |
| ҳаво транспортида | 96,2 | 106,4 |
| қувур йўллари орқали | 22197,8 | 95,2 |

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида




2015 йил январь–сентябрида магистрал темир йўл транспортида асосий турдаги юкларни ташиш қуйидагича ифодаланади:

| | минг тонна | 2014 йил январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Юклар – жами | 50351,2 | 102,6 |
| шу жумладан: | | |
| тошкўмир | 2893,4 | 86,8 |
| нефт маҳсулотлари | 7944,4 | 99,5 |
| қора металлар | 756,6 | 115,4 |
| қора метал темир–терсаклари | 549,6 | 108,7 |
| кимёвий ва минерал ўғитлар | 3164,3 | 97,6 |
| қурилиш материаллари | 6180,3 | 112,8 |
| цемент | 3923,2 | 93,7 |
| ёғоч–тахта материаллари | 33,8 | 39,6 |
| дон ва янчилган дон маҳсулотлари | 1005,2 | 100,9 |

Автомобил транспортида 1040,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2014 йил январь–сентябрига нисбатан 4,8 фоизга кўпдир. Автомобил транспорти юк айланмаси 23,9 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 7,9 фоизга кўпайди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2014 йил январь–сентябрь даражасидан 7,3 фоизга кўпайди ва 17,8 млрд. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши
74,6 фоизни (2014 йил январь–сентябрда–75,0 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 18,0 минг тонна юк жўнатилган бўлиб, 2014 йил январь–сентябрига нисбатан 1,5 фоизга кўпайди, юк айланмаси
эса 6,4 фоизга кўпайиб, 96,2 млн.тн–км.ни ташкил қилди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 22,2 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,8 фоизга камайди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турлари томонидан 5458,1 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2014 йил январь–сентябрига нисбатан 3,4 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 5,6 фоизга кўпайиб, 76,3 млрд. йўловчи–км. ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

| | 2015 йил январь–сентябрь | 2014 йил январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши | 5458,1 | 103,4 |
| темир йўл транспортида | 15,2 | 104,6 |
| автомобил транспортида | 5392,6 | 103,5 |
| ҳаво транспортида | 1,7 | 95,4 |
| шаҳар электр транспортида | 48,6 | 93,1 |
| Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км | 76262,1 | 105,6 |
| темир йўл транспортида | 2930,2 | 103,8 |
| автомобил транспортида | 67775,2 | 106,4 |

| | 2015 йил январь–сентябрь | 2014 йил январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| ҳаво транспортида | 5222,7 | 98,0 |
| шаҳар электр транспортида | 334,0 | 94,4 |

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди ва бу 98,8 фоизни, йўловчи айланмасида эса 88,9 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 4,6 фоизга ошди ва 15,2 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси эса 3,8 фоизга ошди ва 2930,2 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 1721,7 мингта йўловчи ташилди, бу кўрсаткич 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 4,6 фоизга камдир, йўловчи айланмаси эса 5222,7 млн. йўловчи–км.ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,0 фоизга пасайди.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан, мос равишда, 4,9 фоизга камайди.

## Товарлар ва хизматлар бозори

2015 йилнинг январь–сентябрида чакана савдо товар айланмаси 50731,9 млрд. сўмни ёки 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 115,0 фоизни ташкил қилди.

2015 йилнинг январь–сентябрида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Жами | 50731,9 | 115,0 |
| давлат мулки | 70,2 | 95,5 |

| | млрд. сўм | 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| нодавлат мулки | 50661,7 | 115,1 |
| шундан: | | |
| фуқароларнинг хусусий мулки | 36574,7 | 116,9 |

Йирик корхоналар чакана савдо товар айланмаси 6686,1 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 10,4 фоизга ортди. Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик корхоналар улуши 13,2 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг чакана савдо товар айланмаси 15,8 фоизга кўпайиб, 44045,8 млрд. сўмни, чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши эса 86,8 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари товар айланмаси умумий ҳажмида уюшмаган савдо товар айланмаси 7715,2 млрд. сўмни ташкил қилди ёки ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 9,5 фоизга ошди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши
15,2 фоизни ташкил қилди.

2015 йилнинг январь–сентябрида чакана савдо товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | 2014 йил январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида | умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Жами | 50731,9 | 115,0 | 100,0 |
| йирик корхоналар | 6686,1 | 110,4 | 13,2 |
| кичик тадбиркорлик | 44045,8 | 115,8 | 86,8 |
| шундан: | | | |

| | млрд. сўм | 2014 йил январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида | умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| уюшмаган савдо товар айланмаси | 7715,2 | 109,5 | 15,2 |

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 2015 йилнинг январь–сентябрида 19127,6 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 110,4 фоизга ўсди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (умумий ҳажмнинг 57,6 фоизи), бу секторда хизматлар ҳажми 11020,5 млрд. сўмни ташкил қилди ва 7,1 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 15,1 фоизга ўсиб, 8107,1 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 42,4 фоизни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 612,6 минг сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 8,5 фоизга ортди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 86,4 фоизни ташкил қилди.

2015 йилнинг январь–сентябрида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Жами | 19127,6 | 100,0 |
| давлат мулки | 2607,3 | 13,6 |
| нодавлат мулки | 16520,3 | 86,4 |
| шундан: | | |
| фуқароларнинг хусусий мулки | 8427,4 | 44,1 |

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар улуши 9,5 фоизни ёки 1809,2 млрд. сўмни ташкил қилди, уларнинг реал ҳажми 2014 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 18,0 фоизга ошди.

Маиший хизматларнинг 87,8 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 1588,2 млрд. сўмни ташкил қилди ва 18,5 фоизга ошди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2015 йилнинг январь–сентябрида қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоизда | умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Жами хизматлар | 62841,0 | 112,9 | 100,0 |
| шу жумладан асосий турлари бўйича: | | | |
| Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари | 3403,0 | 116,4 | 5,4 |
| Компьютерли дастурлаш хизматлари | 164,2 | 112,9 | 0,3 |
| Молиявий хизматлар | 5901,7 | 128,5 | 9,4 |
| Транспорт хизматлари (логистика хизматларини қўшган ҳолда) | 16999,3 | 103,4 | 27,0 |
| Қурилиш хизматлари | 3615,6 | 114,6 | 5,7 |
| Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш | 482,3 | 117,7 | 0,8 |
| Қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш | 77,2 | 110,3 | 0,1 |
| Туризм–саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда) | 316,1 | 114,9 | 0,5 |
| Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари | 14556,3 | 116,1 | 23,2 |

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоизда | умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| **Маиший хизматлар** | **2509,8** | **115,1** | **4,0** |
| **Таълим хизматлари** | **1828,1** | **109,5** | **2,9** |
| **Соғлиқни сақлаш хизматлари** | **808,6** | **117,0** | **1,3** |
| **Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар** | **365,3** | **114,4** | **0,6** |
| **Бошқа хизматлар** | **11813,5** | **113,9** | **18,8** |

Ҳисобот даврида молиявий хизматлар (128,5 фоиз), технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (117,7 фоиз), соғлиқни сақлаш хизматлари (117,0 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (116,4 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш хизматлари (116,1 фоиз), маиший хизматлар (115,1 фоиз), туризм-саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда) (114,9 фоиз), қурилиш хизматлари (114,6 фоиз) ва қишлоқ хўжалиги соҳаси (114,4 фоиз) бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (логистика хизматларини қўшган ҳолда) (жами хизматларнинг 27,0 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (23,2 фоизи), молиявий хизматлар (9,4 фоизи), қурилиш хизматлари (5,7 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (5,4 фоизи) хизматлари ҳиссасига тўғри келди.

## Нарх ва тарифлар

**Январь-сентябрда**
**нархлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши**
**(нарх-навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)**

| | ўртача ойлик даражаси | | сентябрь ойи ўтган йилнинг декабрига нисбатан | |
|---|---|---|---|---|
| | 2014й. | 2015й. | 2014й. | 2015й. |
| **Истеъмол нархлари индекси** | **0,3** | **0,2** | **3,0** | **2,2** |

| | ўртача ойлик даражаси | | сентябрь ойи ўтган йилнинг декабрига нисбатан | |
|---|---|---|---|---|
| | 2014й. | 2015й. | 2014й. | 2015й. |
| Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси | 1,1 | 0,8 | 10,2 | 7,0 |

## Январь–сентябрда саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)

| | 2014й. | 2015й. |
|---|---|---|
| Жами | 110,2 | 107,0 |
| шу жумладан: | | |
| электроэнергетика | 112,1 | 107,3 |
| ёқилғи саноати | 117,1 | 108,2 |
| қора металлургия | 103,4 | 114,1 |
| рангли металлургия | 122,3 | 94,3 |
| кимё ва нефт–кимё саноати | 109,3 | 109,8 |
| машинасозлик ва металлни қайта ишлаш | 103,9 | 105,2 |
| ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати | 107,1 | 102,5 |
| қурилиш материаллари саноати | 106,7 | 126,9 |
| енгил саноат | 100,6 | 103,4 |

| | 2014й. | 2015й. |
|---|---|---|
| озиқ–овқат саноати | 109,4 | 104,3 |
| ун–ёрма саноати | 109,1 | 100,0 |

## Демографик ҳолат

Дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йилнинг 1 октябрь ҳолатига республика доимий аҳолисининг сони 31421,3 минг кишини ташкил қилди
ва йил бошидан 398,8 минг кишига ёки 1,3 фоизга кўпайди. Шундан, 15902,9 минг киши – шаҳар жойларида (аҳоли умумий сонининг 50,6 фоизи) ва 15518,4 минг киши – қишлоқ жойларида (49,4 фоизи) истиқомат қилади.

Январь–сентябрда республика бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари қуйидагича ифодаланади:

| | минг киши | | ҳар 1000 кишига | |
|---|---|---|---|---|
| | 2014 йил | 2015 йил | 2014 йил | 2015 йил |
| Туғилганлар | 517,5 | 531,6 | 22,5 | 22,8 |
| Ўлганлар | 106,4 | 109,2 | 4,6 | 4,7 |
| шу жумладан бир ёшгача болалар*) | 5,5 | 6,0 | 10,5 | 11,4 |
| Никоҳлар, мингта | 188,4 | 186,1 | 8,2 | 8,0 |
| Ажралишлар, мингта | 21,8 | 21,8 | 1,0 | 0,9 |

Туғилиш даражаси. 2015 йилнинг январь–сентябрида туғилганлар сони 531,6 мингтани ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу даврига (517,5 минг киши) нисбатан 14,1 мингтага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 22,8 промиллени ташкил қилди

*) Ҳар 1000 та туғилганга

ва 2014 йилнинг шу даврига (22,5 промилле) нисбатан 0,3 промиллега кўпайди.

Ўлим даражаси. 2015 йилнинг январь–сентябрида ўлганлар сони 109,2 мингтани ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу даврига (106,4 минг киши) нисбатан 2,8 мингтага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,7 промиллени ташкил қилди (2014 йил январь–сентябрда – 4,6 промилле).

Ўлганлар умумий сонидан 61,7 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,8 фоизи – ўсма касалликларидан, 6,0 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,4 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 6,6 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш
ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йилнинг январь–сентябрида бир ёшга тўлмаган 6,0 мингта болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 11,4 промиллени ташкил қилди (2014 йилнинг январь–сентябрида–10,5 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 56,5 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 22,6 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 8,7 фоизи – туғма аномалиялардан ва 3,2 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2015 йилнинг январь–сентябрида ФҲДЁ органларида 186,1 мингта никоҳлар ва 21,8 мингта ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 8,0 та (2014 йилнинг шу даврида – 8,2 та) никоҳ ва 0,9 та (2014 йилнинг шу даврида – 1,0 та) ажралишлар тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йилнинг январь–сентябрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 104,1 минг кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 127,8 минг кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 23,7 минг кишини (2014 йилнинг шу даврида – минус 29,3 минг киши) ташкил этди.

## Бандлик ва меҳнат бозори

Бандлик. 2015 йилнинг январь–сентябрь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 13750,8 минг кишини ёки аҳоли умумий сонининг 44,0 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йилнинг январь–сентябрь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 13052,5 минг кишини ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 фоизга ошди.

Бандлар сонининг сезиларли ўсиш даражаси транспорт ва алоқа соҳасида (3,9 фоизга), савдо, умумий овқатланиш, таъминот ва тайёрлов соҳасида (3,6 фоизга), уй–жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турида (3,5

**фоизга), қурилишда (3,3 фоизга), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида (2,3 фоизга) кузатилди.**

**2015 йилнинг январь–сентябрида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 94,9 фоизни ташкил этди.**

**Нодавлат секторида банд бўлганларнинг жами бандлар сонидаги улуши 81,7 фоизга етди, бу кўрсаткич 2014 йилнинг шу даврида 81,3 фоизни ташкил қилган.**

**Ишсизлик*). 2015 йил сентябрь ойи охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 3,0 минг кишини ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2014 йилнинг шу даврига (4,7 минг киши) нисбатан 35,4 фоизга камайди.**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2015 йил январь–сентябрида 698,3 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 5,1фоизга тенг бўлди.**

---

**[*)] Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги маълумотлари асосида**